

# ТОНГ ЮЛАДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№48-49 (7025-7026)

1999 йил 16 декабрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

## СОҒ ТАНДА СОҒЛОМ АҚЛ

Қадим замонда бир ночор, қашшоқ одам донишманднинг ҳузурига келиб:

- Ейишга ноним, кийишга кийимим йўқ. Нима қилсам экан? - деб маслаҳат сўрабди. - Энди қаерга бориб дод солай? Кимдан ёрдам олай?

- Камбағалчиликнинг айби йўқ, - дебди донишманд. Мен сенга хўп десанг ёрдам қиламан.

- Хўп дейман, албатта, ёрдам қилинг. Бола-чақаларим ҳам, ўзим ҳам сизга бир умр қуллуқ қилиб ўтамиз.

- Қуллуқ қилишнинг ҳожати йўқ, - дебди донишманд. - Сендан тана аъзоларингни сотиб оламан. Менга ўнг кўзингни сот. Ейишга нон бераман.

- Йўқ, ўнг кўзим ўзимга керак.

- Унда чап кўзингни сот. Сенга ва болаларингга кийим-кечак қилиб бераман.

- Йўқ, чап кўзим ҳам ўзимга

керак.

- Унда бақувват оёқларингдан бирини бер. Ҳовлижойга алмаштираман.

- Йўқ, оёқларим ўзимга керак.

- Қўлингни бер, бўлмасам.

- Бермайман.

Қўлсиз кейин ўзим нима қиламан.


Шунда донишманд қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборибди.

- Демак сендан бой-бадавлат одам йўқ экан-ку. Кўрсанг, юрсанг, ўтирсанг, турсанг, бошқа одамлардан

қаеринг кам сенинг? Сенга айтсам, бу оламда ни-

майки ютуққа эришмайлик ўз фаҳму-фаросатимиз, меҳнатимиз билан эришамиз. Лекин бунинг индаллосида тани-сичатлик - туман бойлик туради. Ана шу бойликдан бенасиблар чинакам қашшоқ, ғариб одамлардир. Тани соғ одамга ҳақим Суқротнинг кераги йўқ...

Ҳа, юртбошимиз 2000 йилни Соғлом авлод йили, деб атаб катта мақсадларни олдимизга қўйдилар. Болаларнинг соғ-сало-



мат бўлиши озодагарчилигида, инсоний ҳислатларни ўзига мужассам қилиб улғайишда ҳам кўринади. Жисмонан бақувват, маънан баркамол инсон соғлом бўлади. Соғлом вужудлилар бақувватдир. Бақувватлик эса ботирликнинг укаси...

Ота-боболаримиз турмуш тарзига амал қилиб улғайган фарзандлар тозалик, озодалик, покликни ўзларига дастури амал қилиб билсалар, табобат илми айтганларига суйансалар соғлом бўладилар. «Соғлиқ узоқумр гарови», деган мақолга амал қилганлар, ёмон иллатлар: ичиш, чекиш...дан ўзларини тиядилар ва хақиқи ИНСОН бўлиб етишадилар.

Соғ танда соғлом ақл мавжуддир.  
Бу мавжудликлар аро сени  
эзгу орзулар сари ундаган-  
бардам- бақувват вужуддир.

Шуни унутма,  
танинга,  
фаҳму-фаросатингга  
зарарли иллатларни дўст тутма!

## XX аср сўнгги - Соғлом авлод йили

### ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТ

1948 йил 10 декабрда Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси тасдиқланди. Бироқ унинг тўлиқ матни ҳатто катталардан ҳам сир тутилди. Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришганидан кейин ратификация қилинган биринчи халқаро ҳужжат "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси" бўлди. Шу кундан эътиборан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир меъёрлар ва қоидаларни ҳаётга тадбиқ қилиш мақсадида кўплаб анжуманлар, давра суҳбатлари ўтказиб келаяпти.

Ана шундай учрашувларнинг бири Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ўқувчилари билан ўтказилди. Бу учрашувнинг биринчи босқичи ҳам ўтган йили худди шу болалар билан бўлганди. Ушанда марказ билан ҳамкорликда кичик ва ўрта мактаб ёшидаги болаларга мўлжалланган "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси" рангли китобчасининг тақдироти бўлиб ўтганди.

Бугунги учрашувда ҳам ана шу

китобчанинг Малайзияда чоп этилган янги нашрининг тақдироти бўлди.

- Сиз ўз ҳақ-ҳуқуқингизни, бурчингизни яхши билсангиз, сизларни ҳеч ким хафа қилолмайди. Биринчи ҳимоячингиз аввало ўзингиздир, деди Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, юридик фанлари доктори, профессор Акмал Саидов. - Сизлар марказимизнинг вакиллари сиз. Бу китобни уқангизга, ўртоғингизга, қўшингизга ўқиб, гапириб берасиз...

8- "Б" синф ўқувчиси Ойбек Маърупов, Ирода Жамиловалар сўзга чиқиб, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

- Биз фанлар билан бирга ўз ҳуқуқимизни ҳам ўрганиб боришимиз керак, - деди Ойбек Маърупов.

- Бир йил давомида гимназиямиз ўқувчилари Декларацияни ўқиб-ўрганиб, озодлиқ, мустақиллик, эркинлик нима эканлигини англаб етдилар, - деди гимназиянинг тарих ва ҳуқуқ фани ўқитувчиси Мунира Шораҳметова. - Улар ўз ҳуқуқларини билишга, ўрганишга

жуда қизиқадилар. Дарсимнинг ҳар 5-10 дақиқаси ана шу мавзуга қаратилади.

Учрашув давомида болаларни суҳбатимизга тортдик.

- Ҳар бир инсон жамият олдида бурчлидир, фақат шу ҳолатдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин. 29- моддада ана шундай дейилган, - дейди 7- «А» синф ўқувчиси Жамоллидин Нурмухамедов. - Биз бу ҳуқуқ ва эркинликларга ҳамиша ҳурмат билан қарашимиз шарт.

- Рисола бизнинг ҳуқуқий онгимизни, ҳуқуқий маданиятимизни, билимимизни оширади. Ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билган инсон ҳеч бир ерда қоқилмайди, - суҳбатни давом эттирди 7- "Б" синф ўқувчиси Абдуазиз Мусаев.

2000 йил - Соғлом авлод йили экан, XXI асрга қадам қўяётган ёшлар ўз ҳуқуқини мукамал билиши керак. Ҳуқуқ ва мажбурият ҳамиша ёнма-ён юришини ҳис қилиши шарт.

Сиз қандай ўйлайсиз, азиз муштарийлар?

Феруза ОДИЛОВА.

Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлам, наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга руҳи, фикри соғлом. иймон- эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман.

ИСЛОМ КАРИМОВ.

МЕҲР КЎЗДА

Инсон учун соғлиқ ҳамма нарсадан устунлигини ўзим касал бўлгач ҳис қилдим. Кўричак бўлиб касалхонага ётиб қолганимда энг аввало меҳрибон муаллима Оқила опа дўстларим билан мени кўргани касалхонага келишди. Мен жуда хурсанд бўлиб кетдим. Тўғри, шифокор Фозил Жуманов, ҳамширалар Меҳри опа, Нурия Норовалар атрофимда гирдикапалак бўлишди. Лекин устозим ва дўстларимнинг ўрни бошқача-да. Мен биринчи навбатда уларнинг меҳридан, сўнгра дори - дармонлардан тезда соғайиб кетдим. Шуни айтишса керак- да, меҳр кўзда деб.

Насиба АҲАДОВА,  
Ғиждувон туманидаги  
8- мактабнинг  
8- синф ўқувчиси.

**ЯХШИМАНМИ, ЁМОН?**

Дарахтлар қордан оппоқ кўйлак кийган. Зангори осмон қорли дарахт шоҳлари орасидан барглари йўқлиги учун гўзал ва аниқ кўринади.

Дарахтлар тагидан бир тўп қизлар мактабга кетишяпти:

-Сен яхшисан-а? Бизга қор отмайсан-а?

Дарахтлар тагидан нари ўтиб:

-Сен ёмонсан! Нега бизларга қор отмайсан? Мазза қилиб қорбўрон ўйнардик.

Мен ҳайрон: Яхшиманми, ёмонманми?

Отайми, отмайми?

Кўлимда юмалоқ қор.

**Фарҳод ЙЎЛДОШЕВ,**  
Тошкент вилояти,  
Пскент туманидаги  
ицей интернатининг  
10-синф ўқувчиси.

**«БАЛЛИ, ЙИГИТЛАР» ДЕГИМИЗ КЕЛДИ**

Газетамизнинг куюнчак мухлислари! Ҳар куни Сизлардан даста-даста мактублар олганимизда юрагимиз ҳам қувончдан, ҳам ҳаяжондан, ҳам оз-моз ҳадикдан «гуп-гуп»лаб тез-тез ура бошлаймиз. Мактабларда ўтаётган тадбирлар ҳақида ёзсангиз, қалбимиз қувончга тўлади. Шеърларингиздаги биргина гўзал ташбеҳ ҳам бизни ҳаяжонга солади. Ҳадигимиз эса таъмирталаб мактаблар, етишмаётган дарсликлар, ўтилмаётган айрим дарс ва тўғарақлар ҳақида мурғак қалб озорланиб ёзган мактублардан. Бундай мактублар барибир бизга жуда зарур. Ютуқ ва камчиликларни кўра билиш, шарҳлаш - Сиз ёш мухбирлар учун зарур жараён. Мактубларни саралар эканмиз, бир нарса эътиборимизни тортди - йигитларимиз анча фаоллашибди. Бундан кўнглимиз яйраб, йигитлар мактубидан сизларга ҳам илдиндик.

**ХАТДАРНИ САРАЛАГАНДА****«ОҚ ТОЙЧОҚ»**

Дам олиш куни бўлгани учун Чорсуга тушиб убу харид қилмоқчи эдим. Нонушта қилиб ташқарига чиқай десам ёмғир ёғиб қолса бўладими? Оббо! Ноилож, ёмғир деб бозордан қолмайман-ку!

Автобус кута бошладим. Ниҳоят, автобус ҳам келди. Бекатдагилар ҳам кутишдан зериккан эканми, «гур» этиб автобуска ёпирилишти. Автобус жойидан кўзгалди. Ҳаш-паш дегунча паттачи аёлнинг кўзини шамғалат қилиб, у ёққа ўтса бу ёққа ўтиб, бу ёққа ўтса у ёққа ўтиб, хуллас, бир амаллаб 50 сўмни тиланчига берарман, деб паттасиз «қуён» бўлиб бозордан етиб келдим. Бозорга кираверишда ниятимни сезгандек 50-60 ёшлар чамаси бир тиланчи чол «Оллоҳнинг йўлига садақа беринг» деб ўтирарди. Чўнтагимдан 5 сўм олиб, чолнинг «касса»сига ташлаб ўтдим.

...Харид қилган юкларимни кўтариб бояги йўлимдан қайтаётсам, тиланчи чол жойида йўқ. Чорраҳага келганимда машинанинг сигналидан чўчиб орқамга қарадим: «Нексия» русумли «оппоқ тойчоқ» кишнаб сигнал беряпти:

-Тезроқ йўлдан ўт-ей, - деб. Ҳайдовчисини танигандек бўлдим: Тавба, «оқ тойчоқ» чавандози - бояги тиланчи чол-ку! Қойил-ей, «5 сўм» ҳам кичик пул эмас экан. Нечта «5 сўм» «оқ тойчоқ»қа етаркин? Балки, Сиз биларсиз.

Умарали ЖАМОЛОВ,  
Тошкентдаги 46-мактабнинг  
10-синф ўқувчиси.

**СОВҒА КУТЯПМИЗ**

Мактабимизда обуна ишлари қизиқ кетди. Мен ҳам четда турмай дедим-да, аввало «Тонг юлдузи»га ёзилдим. Ўтган йил ҳам обуна бўлган эдим, мазза қилиб ўқидим. 2-3та чизган расмим ҳам газетада чиқди, фақат номимни ёзиш ёдларидан кўтарилибди. Майли, ҳечқиси йўқ. Балки бу йил расмларим номим билан чиқса, «Танимадинг-а?» десам, «Йўқ танидим, мақоланг ҳам чиққан, айтганча нима совға олдинг» деб сўрарсиз.

Айтганча, совға кутяпмиз. Қанақа совға, дейсизми? Ўзим ҳам билмайман.

Хуллас, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасидаги бир эълон бизни 1992

сўмга туширди. «Агар 3 киши биргалашиб газетага обуна бўлса ва уларнинг ёши 100ни ташкил қилса» махсус совға берилар экан. Ўзим, ойижоним ва устозим обуна бўлдик. Мен 14, ойижоним 45, устозим 41 ёшдалар. Совға кутяпмиз, насиб қилса нима эканлигини газета орқали билиб оларсиз.

Яна совғага ўч экансан, деб ўйламанг. Газетадаги ҳар бир ўқимишли мақола, гўзал шеър - мен учун совға. Совгадан қуруқ қолмай десангиз, вақт бор - газетангизга ёзилинг.

**Лутфулла ИСРОИЛОВ,**  
Юнус-обод туманидаги  
Юсуф Мўминов  
номли мактабнинг  
10-«А» синф ўқувчиси.



Газетадаги шу мақолани ўқидим-у мактабимиздаги қизларга қарай бошладим. Синфдошим Азиза, Дилдора ҳамда 8-синфдаги Моҳира, Муҳаббат, Дилмираларнинг сочи узун ва чиройли экан. Улар шим ҳам кийишмайди, пардоз ҳам қилишмайди, аммо доим озода кийиниб юришади. Бу аълочи қизлар - ўқишда ва хулқда барчага ўрнак. Демак, «Сочи узуннинг ақли қисқа» эмаслигини улар аллақачон исботлаб қўйишган.

8-«Б» синф ўқувчилари мақолани ўқиб, ўз фикрларини билдириб иншо ҳам ёзибдилар. Ҳаммаси соч - қиз боланинг хусни, қирқмаслик керак деб ёзишибди-ю, кўпининг сочи қирқилган. Балки энди мақоладан хулоса чиқариб, сочларини қатиклаб ювиб, парваришлаб ўстиришса

керак. Ҳар ҳолда «узун соччилар» танлови ўтказишмоқчи-да! Қизлардан бири «раққосаларнинг узун сочларига ҳавас қиламан, сочим уларникидек бўлса қанийди» деб ёзибди. Эҳ, соддагина мактабдошим, раққосаларнинг улама сочига ҳавас қилмай қўяқол, кўчада кўрганман, уларнинг сочи меникидан ҳам калта экан. Сенда эса ўз сочинг бўлгани яхши, калтами, узунми, улама бўлмасин. Кумуш - мақола муаллифи ёзганидек, ўзбекча сочинг бўлсин.

**Бахтиёр ВАЛИЕВ,**  
Тошкентдаги 274-мактабнинг  
10-синф ўқувчиси.

Мана, йигитлар мактубидан айримлари билан танишиб чиқдингиз. Ранг-баранг мавзудаги мактуб ва шеърлари билан бирга хуснихатда дил изҳори билдираётган йигитчаларга «Балли, йигитлар», қизларга эса «Бўш келманг, қизлар» дегимиз келди. Зеро, газета минбари - саҳифа Сизларники. Уларни саралаш эса бўлсам муҳарририга топширилади. У - сизнинг дўстингиз, сирдошингиз, оққа кўчирувчингиз -

**ГУЛЮЗ.**

Диққат, конкурс: XXI аср фани бўйича

# “ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР” СИРТҚИ МАКТАБ КОНКУРСИНИНГ 1999-2000 ЎҚУВ ЙИЛГИ МАВСУМИ

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

### “Иқтисодиётдан сабоқлар”

сиртқи мактаб конкурсининг 1999-2000 йилги мавсуми лойиҳа муаллифлари - фан номзодлари Эргашвой Сариқов ва Баҳодир Ҳайдаровларнинг ташаббуси билан яна бошланди. Бу йилги конкурс билан бир қаторда яна уч йўналиш бўйича алоҳида кичик конкурслар ўтказилади:

**I йўналиш:** Энг яхши иқтисодий мазмундаги мақолалар конкурси

**II йўналиш:** Энг яхши бизнес режа лойиҳалари конкурси

**III йўналиш:** Энг яхши рекламалар конкурси

### “Иқтисодиётдан сабоқлар”

сиртқи мактаб конкурсининг ўзагини ўқув йили давомида олиб бориладиган дарс топшириқлари асосидаги асосий конкурс ташкил қилади. Бошқа кичик конкурсларга қатнашмоқчи бўлган ўқувчилар бу асосий конкурс шартларини йил давомида бажариб боришлари шарт.

“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсига оид дарс материаллари ва топшириқлари ҳар ҳафта газета орқали бериб борилади. Сиз дарс материални ўрганиб чиқиб, топшириқларни бажариб жавоб йўллашингиз зарур бўлади. Топшириқ шартларини газетадан кўчириб олишингиз ёки ундан ксероксда нусха олиб, тўлдириб жўнатишингиз мумкин. Шунингдек, топшириқни бевосита газетадан қийиб олиб тўлдириб йўллашингиз ҳам мумкин.

Конкурснинг якуний босқичи 2000 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида ёки ёз пайтида сўлим оромгоҳларнинг бирида 3-4 кун давомида ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Асосий конкурс ғолибларини

телевизор,

магнитофон,

аудио-плеер

каби қимматбаҳо совринлар кутмоқда. Қолган кичик конкурс шартларини газетанинг кейинги сонларида эълон қиламиз. Кичик конкурс ғолиблари учун ҳам алоҳида махсус совринлар белгиланган.

XXI аср фани бўйича ўтказилаётган конкурсга турли янгиликларга қизиқувчан, тиришқоқ ва ижодий фикрлайдиган ўқувчиларни таклиф қиламиз.

Омад сизга ёр, билим мадакор бўлсин!

Конкурс ташкилотчилари

### 9 - ДАРС

## КОРХОНАЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА МЕНЕЖМЕНТ

Юқорида таъкидлаганимиздек, товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи ҳар қандай ташкилот - корхона деб аталади. Сиз билган завод ва фабрикалар, қурилиш комбинати, автомобил парки ва таъмирлаш устахоналари, жамоа ва фермер хўжаликлари, дўкон ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, университет, коллеж, лицей ва мактаблар, биржа ва банклар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва болалар боғчаларининг ҳамма-ҳаммасини корхона деб аташ мумкин. Чунки уларда нимадир ишлаб чиқарилади ёки қандайдир хизмат кўрсатилади.

Корхонада товар ишлаб чиқаришни амалга ошириш мураккаб ва серқирра жараён бўлиб, у оқилона бошқаришни тақозо этади.

Маълумки, корхонада бирор бир товарни ишлаб чиқариш учун ишчи кучи, бино ва асбоб-ускуналар, хомашё ва материаллар, турли хил маълумотлар ва пул маблағлари зарур бўлади.

Хўш қанча ишчи кучи, қанча ва қандай хомашё ва материаллар керак? Қайси асбоб-ускуналар керак бўлади? Улардан қандай фойдаланган маъқул? Қайси технология яхшироқ? Буларнинг ҳаммаси учун қанча пул маблағлари керак?

Ишлаб чиқариш жараёнида бу ва бунга ўхшаш ўнлаб саволлар туғилади, уларни ечиш анча мураккаблашади. Шунинг учун бош қотириш, ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш лозим бўлади.

Корхонада товар ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнини менежмент, бу иш билан шуғулланувчи мутахассисларни - менежерлар деб аташади.

Корхонада менежерлар бир нечта бўлиб, бири бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини бошқарса, бири хомашё ресурслари ва материаллар таъминотини бошқаради. Бири молиявий пул маблағлар оқимини бошқарса, бири маҳсулотни сотиш, рекламани бошқаради. Яна бири маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш технологиясини бошқарса, бошқа бири корхона ходимларини бошқаради ва ҳоказо.

Бозорни ўрағниш, нархларни шакллантириш, маҳсулотни сотиш билан боғлиқ ишларни жамлаб, битта ном билан маркетинг деб аташади. Маркетинг билан шуғулланувчи, бундай замонавий бозоршунос менежерларнинг фаолияти, фирмалар ўртасидаги рақобат курашида, фирманинг муваффақиятини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Бу ўринда тўғри танланган, вақтида ўтказилган рекламанинг ўрни ҳам беқиёсдир.

Менежментнинг - менежерларнинг биргаликдаги хатти-ҳаракати, охир-оқибат, корхонани оқилона бошқаришга, ишлаб чиқариш ресурсларидан тежамли фойдаланиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган бўлади.

Менежер қайси соҳани бошқармасин, у аввало одамлар билан ишлайди, уларни бошқаради. Менежернинг қўл остидаги ходимлар билан ўзаро муносабати, улар билан муомаласи умумий иш натижасига бевосита таъсир кўрсатади. Умумий ишнинг муваффақияти охир-оқибат менежер билан ходимлар орасидаги инсоний муносабатларга боғлиқ бўлади.

### 9 - ТОПШИРИҚ

## КОРХОНАЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА МЕНЕЖМЕНТ

1. Корхонада ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун нималар зарур бўлади?

Жавоб:

- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_

2. Корхонада ишлаб чиқариш жараёнида қандай саволларга дуч келинади?

Жавоб:

- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_

3. Корхонани бошқариш деганда нимани тушуна-сиз?

Жавоб:

- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_

4. Мактабингиз кимлар томонидан, қай йўсинда бошқарилади?

Жавоб:

- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_

5. Мактабингизга яқин жойлашган қандай корхона-ларни биласиз?

Жавоб:

- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_

6. Рўйхатни тўлдириш.

Менежментнинг мақсади...

- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_

ларга қаратилган бўлади.

7. Синфингиз қандай ва кимлар томонидан бошқарилади?

Жавоб:

- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_

8. Корхонада менежерлар қайси соҳаларни бошқаради?

- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_

9. Менежер фаолиятини муваффақиятга элтувчи қирраларидан баъзилари қуйида берилган.

- Пул маблағларини тежаш.
- Меҳнат унумдорлигини ошириш.
- Ходимлар билан бўлган ўзаро хушмуомалалик.
- Бошлиққа ёқиш.
- Янги технологияни жорий этиш.
- Билимдонлик ва ишбилармонлик

Уларни муҳимлик даражасига кўра қандай тартибда кетма-кет қўйган бўлар эдингиз? Мос рақамларни каталарга қўйинг.

Жавоб:

□	□	□	□	□	□
---	---	---	---	---	---

МАКТУБЛАРИНГИЗНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029. Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уй, 402-хона (Музаффар ПИРМАТОВга).

Мулоқот учун телефон: 139-49-32, 139-19-16. Факс: (371) 139-48-23.

**O, Alpomish, alp yigitlar sarasi,  
Ot choptirsang gumburlar tog darasi,  
Tovushingdan o char arslon na rasi  
Ey paxlavon ajdodimiz-mard, asl,  
Yurt-elingga xush kelibsan, marhabo,  
Hur elingga xush kelibsan, marhabo!**

Ha, yurtimizga Alpomish qaytdi. Bu mard, paxlavon, cho'ng fe'l oq ko'ngil, sevgisiga vafodor, elsevar yigit-xalqimizning go'yo o'zi afsonaviy bo'lsa-da, tiriklardan tirikroq sevimli farzandi, ne-ne baxshilar yonib kuylaydigan xalq dostoninig qahramoni uzoq ayriliqdan so'ng yana o'z eliga o'z vataniga qaytib keldi. Ana, u o'zi tug'ilib o'sgan, qirlarida ot chopgan, tog'lariga tirnashib chiqqan Buloqlaridan suv ichgan yaylovlarida suruv-suruv qo'y boqqan, o'tloqlarida kurashish ilmini o'rgangan qadrdon yurtida bir qo'lida o'sha yetmish botmon kamoniyu, bir qo'lida uchqur qarichig'ayi bilan mag'rur turibdi. Odatda farzand uzoq safardan yo urush-ujangdan qaytsa, uni butun qarindosh urug'i, mahallako'y, el-yurt quchoq ochib kutib oladi, hurmat bajo keltiradi. Xalqimizning shu tabarruk taomiliga ko'ra kuni-kecha Alpomishni muborakbod etish uchun uning yurtiqadimiy Jayxun qirg'og'idagi qo'xna va navqiron Termiz shahriga elu-yurt vakillari, uzoqyaqindan kelgan mehmonlar yig'ildilar. Bu yerda Alpomish dostoni yaratilganining ming yilligi bayrami tantanali suratda bo'lib o'tdi. Yurtboshimiz Islom Karimov bu ulkan izdihomni ochib, yig'ilganlarni qutlar ekan, Alpomish o'zbek xalqining teran aqlu-tafakkuri buyuk donoligi va dahoning mevasi ekanligini, uning asrlar davomida ozodlik, hurlik, mustaqillik erkin, tinch-farovon hayotga bo'lgan orzu-umidlari intilishlarining yorqin ifodasi ekanligini ta'kidlab o'tdilar. Ming va undan ham ko'proq tariximizga doir tushunchalarini o'zida mujassam etgan bu doston va uning qahramoni xalqimiz ma'naviyatining chuqur ildizlaridan biri va doimiy ibrat milliy g'urur manbaidir. U hamon xalqimizni eng ezgu tilaklarga, oliy maqsadlarga chorlab turadi. Anjumanda so'zga chiqqan Alpomish avlodlari-Surxondaryo viloyati-elning vakillari, chet ellardan kelgan mehmonlar ham ana shu fikrni qo'llab-quvvatlashdi, xalqning sevimli qahramoniga bo'lgan mehri-yu izzat-hurmatlarini ifoda etishdi.

Shu kecha Termizning Alpomish bog'ida Alpomishning to'yi tun yarmigacha davom etdi. Xalqimizning o'z eliga qaytgan buyuk, afsonaviy farzandini ana shunday shod-hurramlik bilan bag'riga bosdi.

**HAR KIM O'Z ELIGA  
BEKMI, TO'RAMI?**

«Alpomish» dostonini o'qisangiz, yuqoridagi misralar Alpomish tilidan ham, Barchin tilidan ham boshqa elsevar qahramonlar tilidan ham bir necha martalab takror-takror

aytilganini guvohi bo'lasiz. Dostonqahramonlari bu so'zlarni elni bosib, talab, odamlarni qul qilib olmoqchi bo'lgan yovlarga qarshi baralla aytishgan.

Bu so'zlar xalqimizning azaliy orzusi-o'z erki, o'z mustaqilligini qo'lga kiritishga bo'lgan intilishlarining ma'naviy-badiiy ifodasidir. Boshqacha qilib aytganda Alpomish dostonning bosh mavzusi. Mazmuni xalqimizning ozodlik

uchun, erkin hayot, tinch-farovon hayoti uchun kurashidir. Bu ezgu fikrlar esa turgan gapki, elimizni bosib olib, yetmish yil qullikda saqlaganlarga yoqmas edi. Shuning uchun ham ular ma'naviyatimizning boshqa ildizlari qatorida xalq ijodining bu ildiziga ham bolta urmoqchi bo'ldilar. «Alpomish»ga hujum qilishib, uni yo'q qilmoqchi bo'ldilar. Esimda, oltmishinchi yillarda mustamlakachilarning manbaalarida «ura-ura»lab turgan va o'zini olim sanagan bir kimsa bir o'risga qo'shilib «Alpomish»ga hujum qildi. Matbuotda «Alpomish» zararli asar, u feodal hukmdorlarni maqtagan, deb vaysaydi. Keyin



katta majlis chaqirilib, «Alpomish»ga guruh-guruh bo'lib hujum qilindi. Minbarda turib bechora, sodda alp ustiga ne-ne tuhmatu, qabohatlar ag'darildi. Sotqinlarga ham xudo berdi. Ammo Alpomish yengilmadi. Barcha «hujumlar»ga bardosh berdi. Xayriyat, elimizda oqni oqu, qorani qora deyishdan cho'chimaydigan haq so'zli olimlar ham bor ekan, «Alpomish» oqlandi. Yovuzlar qo'lga berilib qo'yilmadi. Mana, ming shukrlar bo'lsinki, xalqimiz mustamlakachilik, zo'rvonlik zulmidan halos bo'ldi. O'z milliy davlati, o'z milliy bayrog'iga ega bo'ldi. Alpomishu-Barchinoylarning butun xalqimizning asriy orzusi



## YURTGA ALPOMISH QAYTDI

ro'yobga chiqdi. Endi bizning ozodligimiz, erkin hayotimizni ko'ra olmaydigan, har jihatdan yuksalayotgan mamlakatimizga daxl qilmoqchi, sarhadlarimizga yovuz niyatlar bilan suqilib kirmoqchi bo'lgan har xil g'alamislarga nisbatan Alpomishu-Barchinoylar, Ko'kaldoshu Qaldirg'ochlar tilidan baralla aytamiz.

**Har kim o'z eliga  
bekmi, to'rami?**

**Qarchig'ay quzg'unga  
yemish berami?**

**BIRLASHGAN O'ZAR**

«Alpomish» dostoni har jihatdan ibrat maktabidir. Uni o'qigan odam dunyoning bordi-

olib kelgan edi. Agarda Xorazmshoh va uning barcha o'g'illari bir bo'lib qo'shinni boshlab mo'g'ullar yo'lini to'sganlarida bu yovuz bosqinchilar mamlakat sarhadini buzib kira olmadilar. Agarda Jaloliddin keyinchalik mo'g'ullarga qaqshatqich zarba berib turgan bir paytda uning sarkardalari o'rtasida nizo chiqmaganda balki Chingiz askarlari vatan tuprog'ida tezroq quvilardi.

Agarda temuriylar o'zaro inoq bo'lishib har biri o'zicha taxt talashmaganda Amir Temur tuzgan mamlakat parchalanib ketmasdi. Agarda keyingi xonlar, beklar o'zaro birlasha olganlarida Turonzamin bunchalik tanazzulga yuz tutmagan va rus mustamlakachilariga yemish bo'lmagan bo'lardi.

O'zaro ittifoqlik, birlashuvning ahamiyati hozirgi davrda ham zarracha kam emas. Agarda qadimgi Turon, Turkiston zaminidagi abrchu turkiy tilli va qo'shni-qardosh xalqlar birlashib, «Turkiston-umumiy uyimiz» deya olsalar, bu xalqlar qo'lga kiritgan mustaqilliklarining kelajagi yanada ishonchliroq,

«Men urushga ketar chog'imda yuk xaltamga «Alpomish» kitobini solib qo'yar ekanman, bu kitob butun urush davomida menga hamdamu-hamroh bo'ldi.»-deb hikoya qildi. -Janglar birrov to'xtagan paytda okopda qo'limga shu kitobni olib o'qirdim. Shunda mening oldimga o'zbegu-qozoq, qirg'izu-tatar yig'ilishib kitobga quloq tutishardi. Hattoki rus, ukrain va boshqa tili boshqalar ham kelib: «O, che, eto, kniga, perevedi, a?» - deb iltimos qilishardi. Men ularga bilganimcha tarjima qilib berardim. Keyin bir jangda qattiq yarador bo'ldim, gospitalda ham «Alpomish» menga va men kabi majruhlarning dardiga malham bo'ldi.

Keksa muallimning so'zlari menga ilhom berib o'shanda «Okoplardan omon qaytgan Alpomish»- degan she'r yozgandim:

**Asqar tog'ning  
boshin tuman chalganda  
Mirg'azab yov  
yurtga dahshat solganda.  
Mo'r- malahday  
yopirilib kelganda,  
Yer-osmon to's-  
to'polon bo'lganda,  
O, Alpomish, ul  
urushni ko'rdingmi,  
Okoplarda ko'krak  
kerib turdingmi?**

**Hazon bo'lib  
bog'da gullar so'lmasin,  
Begunoh  
go'daklar endi o'lmasin.  
Urush nomi o'chsin,  
aslo bo'lmasin  
Uning dahshatini  
olam ko'rmasin.**

**Alpomish, shu  
yo'lda jonni tikdi ngmi,  
Avlodlarga deya  
urug' ekdingmi?**

Ha, Alpomish bizga xalqlar do'stligi-yu, jahon tinchligidan ham saboq beradi.

## BIZLAR ALPOMISHU BARCHINOYLAR AVLODIMIZ

Butun Respublikamizda «Alpomish» dostonining 1000 yilligi to'yiga tayyorgarlik ketayotgan kunlari men Nizomiy nomli Davlat Pedagogika universitetining o'zbek va qozoq tillari fakulteti hamda adabiyoti fakulteti talabalarining bu bayramga bag'ishlangan yig'inlarida mehmon bo'ldim. Unda Alpomish haqida turli ma'ruzalar qilindi. Menga ayniqsa «Alpomish» dostoni bo'yicha tayyorlangan sahna ko'rinishi juda yoqdi. Talabalar o'zlariga berilgan rollarni juda qoyilmaqom qilib o'ynashdi. Go'yo ko'z oldimga haqiqiy Barchinoyu-Alpomishlar keldi.

Ha, «Alpomish» bizga ko'pgina saboqlar beradi. Zero bu saboqlar xalq sabog'idir. Alpomishlar vatanining har bir fuqarosi hoh kekxa - hoh yosh bu saboqlardan bahramand bo'lmoqliklari farz ham qarzdur.

**Muxtor XUDOYOULOY.**

mustahkamroq ta'minlangan bo'lur edi.

Ha, birlashgan o'zar, birlashmagan to'zar. «Alpomish» bizga shunday saboq beradi.

## OKOPLARDAN QAYTGAN ALPOMISH

El ijodi bo'lmish «Alpomish» hamisha, har qanday sharoitlarda ham elning suyimli asari, kitobi bo'lib kelgan. Bundan o'n yillarcha muqaddam men ijodiy safar bilan Samarqandning Ishtixon tumanida bo'lganimda bir hunar maktabida uchrashuv o'tkazdik. Uchrashuvda adabiyot haqida, kitobning ahamiyati haqida so'z bordi. Shunda shu maktabning Ali aka Murtazin degan 1-jahon urushi qatnashchisi bo'lgan kekxa muallim so'z oldi.

yurt boshiga dahshatli fojealarni

(Боши газетамизнинг 25-ноябрь сониди.)

Ваҳимали бир гап ёзилгандек кўрқа-писа кўз югуртирган бўлдилар. Мен ҳам хатга қиялаб қарадим. Лекин битта ҳарфини ҳам ўқий олмадим. У арабчада ёзилган эди. Мана ҳозир Ҳи-ҳи холам ўқиб суюнганларидан менинг чўнтагимни бир ҳовуч попуқ солиб кўядилар, десам... улар бирдан кўзойнақларини олиб хонтахта устига зарб билан кўйдилар. Шартта ўринларидан туриб (Ё тавба, менинг ойижоним ёш бўлсалар ҳам бунчалик тез туролмайдилар) бақира кетдилар.

Тисс... Биров эшитади, ўзингизга қийин бўлади, десам қани энди тинчисалар.

- Хув, тусингни ел есин хат олиб келмай. Ўша Чўққи буванг билан қўшмазор бўл. Худди кўзимга кўринсин, ўша қолган тўртта соқолини ҳам юлиб қўлига бераман.

Ҳи-ҳи хола муштларини тугиб, томирларини ўйнатиб

гапираверганларидан оғизларидан туфуклари сачраб, кўзлари олайиб кетди. Ҳозир ўзларини таппа ташлайдилару тўловларига қоламан, деб кўрқиб кетдим. Хўп холажон, хўп холажон, деб секин орқамга тисарила бошладим. Бу ҳаракатим маъқул бўлмади мана алланима деб бақи-

алам қилиб ўтиравердилар.

Хуллас бир фалокат рўй бермасидан қочиб қолмоқчи бўлдим. Энди икки қадам ташламаган эдим орқамдан соқов бўлиб қолган Ҳи-ҳи холанинг буйруқли овозлари эшитилди. Тўхта! Эсим оғиб қолаёзди. Уларнинг ўқланган милтиқлари бору ҳозир орқ-

тиллари эмас, сўқма тишлари экан. Сувни жилдирашиб куяётгандим:

- Тузукроқ куй, - деб жеркиб бердилар. - Синганида ўша Чўққи бувангга тўлатиб олардим, - дедилар ювган тишларини оғзиларига солаё-

ЯЙРА САЪДУЛЛАЕВА

## ЧЎҚҚИ БУВАМ, ҲИ-ҲИ ХОЛАМ ВА МЕН

риб юбордилар. Шу пайт бўйинлари чўзилиб, оғизларидан бир нарса пирр этиб учиб тақ этиб ерга тушди. Ҳи-ҳи хола вой деганларича оғизларини ушлаб қолдилар. Кейин виз этиб, худди бедана тушаётгандек ҳовучларини ёзиб ўзларини ерга отдилар. Энди тамом: ўпқалари чўзилиб, тилларининг бир парчаси ерга узилиб тушди, дедим. Ростини айтсам, беозор Чўққи бувамни ўзим ҳам аяб кетаётгандим, шу дад-жол кампирга кунлари қолдим, деб. Энди Чўққи бува уйлансангиз ҳам шуларга уйланасиз, уйланмасангиз ҳам. Ахир сизни деб тиллари узилиб тушди, деди. Бошқа қайси чол ҳам гўнг хотинни оларди? Лекин бир томондан энди сизга маза бўлади, жаҳлингиз чиқса бақираверасиз, бақираверасиз. Ҳи-ҳи хола бўлса жавоб қайтаролмай,

амдан ниқтаб, кўлимни осмонга кўтартириб, бутун маҳаллани бошларига кўтариб борадилар. Ана энди шарманда бўламиз. Кўрибсизки, Чўққи буванинг ҳам, беозор совчиларнинг ҳам сири очилади. Ҳаммаси ҳам майлия болаларга қулги бўладиган бўлдим-да.

Ҳи-ҳи холага қарашга кўрқиб икки кўлимни секин тепага кўтардим, асирман, деб. «Тушир кўлингни, бор жойга ундагин, сувни олиб кел!» Ҳеч нарсага тушунмай кўрқа-писа ошхона олдида турган чойгумни олиб келдим. Офтобда тураверганидан суви анча-мунча илиб қолган экан.

- Кўлимга куй!

- Шундагина чўккалаб олган Ҳи-ҳи холанинг кўлларига кўзим тушди. Кўлларидан танглай тишлари иржайиб турарди. Тиллари ҳайрият жойида экан. Учиб тушган

тиб.

Хола, синмаса ҳам улар сизга бунақа суягиданмас, тилласидан кўйдириб берадилар, дедим ҳавасларини келтириб. Бу гапдан кейин олдиларига солиб қувлайдилар, дегандим, йўқ, бу гал Ҳи-ҳи хола индамадилар. Кўшнилари ниқига, очилган тунук эшигига қараб хотиржам бўлдилар шекилли, бу ёққа юр дедилар.

- Хат ёзиб берасизми? - дедим танқидланиб.

- Ўчир товушингни. Мошхўрди холаги эшитиб қолса бутун маҳаллага гап қилиб юборади.

- Бояги бақиринингизни магнитофонга ёзиб олган бўлсалар-чи?

- Эрталаб чиллагуразонга кетган, кечкурун келади.

Холам ичкари уйга чаққонгина кириб кўлларидан учтўртта попуқ олиб чиқдилар. - Мактабингда ерсан.

- Бувамга нима деб кўяй?

Яна жаҳллари чиқиб кетса солвормасинлар деб ўзимни орқароққа олдим.

- Биров билмасин, бувангнинг ўзлари учрашсинлар менга.

- Ур-ре!

- Секин маҳмадона!

- Хоҳларкансизу нимага шунақа даг-дага қилдингиз? - дедим кулиб.

- Бор энди. Ҳозир нақд айниб қоламан.

- Ҳо, сизга куёв топиладую... Мана Нор опам эрга теголмай хуноблар.

- Тур-э, талтайма!

Яна айниб қолмасинлар деб урра қочдим. Воқеани эшитиб Чўққи бувам оғизларини юволмай хингир-хингир кулиб юбордилар. Чўнтақларини кавлай- кавлай букланавериб эскириб кетган қоғоз пулни олиб, кўлимга тутқаздилар.

- Музқаймоқ олиб ерсан.

- Яна шунақа ишларингиз бўлса айтиб туринг, - дедим-да, папкамни кўтариб уйга жўнадим.



Яқинда «Очиқ дарс» деб номланган бадиий видеофильм тақдимотида қатнашдик. Болаларнинг Тошкентдаги Ботаника боғига уюштирилган саёҳати ҳақида фильм режиссёрлари Ботир Ҳолиқов ва Наргиза Кўзиевалар чиройли ҳикоя қиладилар. Фильмда бош ролларни ўйнаган тенгдошларингиз Фурқат Файзуллаев, Рустам Расулов, Азиз Турсунов, Сирожиддин Соатов ва Насирахон Қаюмовалар билан сизларни яқинроқ таништиргимиз келди.

- Исми Сирожиддин, фақатлиам Соатов, - деди бир ёш актёр. - Мен Акмал Икромов туманидаги 229-мактабда ўқийман. «Очиқ дарс» бадиий видеофильмига мени режиссёр Ботир ака Ҳолиқов таклиф қилдилар. Ойижоним ҳам менга далда бериб, ўзингни синаб кўр, дедилар. Менга Расулжон родини ижро этишимни айтишди.

- Ролингиз ўзингизга ёқдими?

- Ҳа. Суратга олиш жараёнида дўстларим билан бўлиб, қийинчиликларни сезмадим. Режиссёр ва оператор ака-опаларимиз бизларга хато ва камчиликларимизни яхши гапириб тушунтиришди. Биз ҳам иложи борича уларнинг айтганларини қилишга ҳара-

кат қилдик.

- Фильм сценарийси бўйича сиз бир-бирингизни йўқотиб кўйдингиз. Шундай катта боғда чиндан ҳам адашиб қолишдан кўрқмадингизми? Ёки тасодифий воқеалар ҳам бўлдим?

- Бўлди албатта. Боғ жуда катта эди. Биз эса ҳамма нарсага қизиқиб қарардик. Турли ўсимлик ва дарахтларни кўриб, айрим болалар узоқлашиб кетишди. Шунда биз бир-биримизни йўқотиб қўйиб, анча вақтгача болаларни қидирдик. Айниқса, иккита ўртоғимизни роса қидирдик. Кейин қарасак, улар бемалол сув ичиб келишаётган экан.

- Фильмда суратга тушиб, дарсларингизни унутиб қўймадингизми?

- Йўқ, мен дарсларимни ҳамма нарсдан зарур деб

ҳисоблайман. Тўғриси айтсам, бир неча кун дарсларга қатнаша олмадим. Лекин синфдошларим менга қолдирган дарсларимни етказиб олишга ёрдам беришди.

- Актёр бўлиш осон эканми?

- Осон деёлмайман-у, лекин қизиқарли касб экан. Катта бўлсам, актёр бўлишни ният қилдим.

- Мактабда қандай тўғаракларга қатнашасиз?

- Расм тўғарагига қатнашаман. Кўпроқ табиат манзараларини чизгим келади. Ботаника боғининг гўзал манзаралари менга ёқди ва уйга келиб уни қоғозга туширдим.

- Келажакдаги орзуларингиз рўёбга чиқсин. Таниқли актёр бўлиб, эл ҳурматига сазовор бўлинг.

Тенгдошингиз Насирахон Қаюмова бу фильмда ҳам

Бу фильмни кўринг

## «ОЧИК ДАРС» ДА ЧАҚИМЧИ ҚИЗ

кўшиқ айтиб, ҳам чақимчи қиз родини ижро этибди.

- Насирахон, чиндан ҳам чақимчилик қилиб турасизми?

- Ҳа, менимча, айнан мана шу одатим учун шу ролга таклиф қилишган бўлса керак.

- Илк бора суратга тушингизми?

- Ҳа, авваллари фақат кўшиқ айтardим. Кинода эса биринчи марта суратга тушим. Мен санъаткорлар оиласида туғилганман. Дадамлар Козим Қаюмов - халқ таниган санъаткорлар. Бундан ташқари, актёрлик маҳоратлари ҳам бор. Менимча, санъаткорлик менинг қонимда бўлса керак...

- Қиз бола учун нима биринчи ўринда туради?

- Қиз бола пазанда бўлиши, хушмуомала, чаққон,



уддабурон, хуллас, барча яхши фазилатлар эгаси бўлиши керак. Ҳар бир ўзбек қизидан мана шу фазилатлар бўлишини хоҳлардим.

- Вақтларингизни қандай ўтказасиз?

- Бўш вақтимда дўстларим билан бирга бўлишни ёқтираман. Бир кун Темурийлар тарихи музейига бордик. У ернинг ҳашамати мени ҳайрон қолдирди. Шунда мен музей ҳақида шеър ёзиб, оймиларга ўқиб берсам, улар шеъримдаги камчиликларни тuzатдилар. Лекин мен келажакда машҳур кўшиқчи бўлишни хоҳлайман.


- Машҳур кўшиқчи бўлиш осон, деб ўйлайсизми?

- Йўқ, дадамлар қиз боласан, кўшиқчи бўлиш қийин, дейдилар. Лекин мен орзуимга етишиш учун интиламан.


Биз фильмда иштирок этган болажонларга омад тилаб, улар билан хайрлашдик. Фильм ижодкорларига эса «Катта раҳмат, болаларга керак фильм яратибсизлар», - дедик. Табиатни асраб-авайлашда кино санъатининг ҳам ўз ўрни бор, ахир!..

Озода ТУРСУНБОЕВА,  
Гуляз ВАЛИЕВА.


Ўз мухбирларимиз.




Стаканларнинг ҳар бир қатори умуман 26 порция бўлиши учун бўш стаканларга неча порция шарбат қуйиш керак?




Юқоридаги чизмани буклаб, 3 та кубикдан қайси бирини яшаш мумкин?




Тарозлардан ҳар доим нарсалар оғирлигини ўлчаш учун фойдаланилган. Дастлабки 3 та расмни кўриб чиқиб 4 расмдаги тошни мувозанатга келтириш учун неча қоп керак бўлади?



1 дан 25 гача рақамларни ёзиш мумкин бўлган 25 та квадрат берилган. Бу рақамларни шундай жойлаштирингки, бўйига, энига ва диагоналига улар йиғиндиси 65 ни ташкил этсин.



Пирог ўртасидан 4 марта кесилса, неча қисм пирог бўлади?



Суратда латинча S ҳарфи шаклидаги олтига лента мавжуд. Олтинчи лента билан қайси S ҳарфи бир хил.

“Тонг юлдузи” га  
обуна бўлишни  
унутманг!

**НАХОТ  
ЯНТИЛИКЛАРИ**

АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт Яқин Шарққа ташриф буюрди. Ташриф чоғида Сурия ҳукумати Исроил билан юзага келган ўзаро зиддиятларни бартараф этиш тўғрисида халқаро ҳамжамият томонидан таклиф қилинаётган ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватлашини айтди.

\*\*\*

9-10 декабрь кунлари Россия Федерацияси президенти Борис Ельцин Хитой Халқ Республикасига, президент Цзян Цзэмин таклифига биноан ташриф буюрди.

\*\*\*

Озарбайжоннинг Овруро Кен-Ашига кириш масаласини муҳокама этиш учун бу халқаро ташкилотнинг Озарбайжон бўйича вакили Жак Бомел Бокуда бўлди.

\*\*\*

АҚШ президенти Билл Клинтон янги молия йилида мамлакат разведка муассасалари фаолиятини молиялаштириш тўғрисида қонун лойиҳасига имзо чекди.

\*\*\*

Намибияда бўлиб ўтган президент сайловларида мамлакатнинг айна пайтдаги раҳбари Сем Нуйома ва унинг партияси ғалаба қозонди.

\*\*\*

Ироқ ҳукумати нефть эвазига озиқ-овқат дастури борасида БМТ билан яна олти ой ҳамкорлик қилишга рози эканлигини айтди.

**Шохруҳ КАРИМБЕКОВ  
тавёрлади**

ТошДШИнинг 3-курс толиби

Болаларнинг нигоҳидан ҳеч нарса қочиб қутилолмайди. Айниқса улар импорт машиналарни кўриб қолишса, «пулдор, бойвучча» одам экан-а? дейишиб ўзларича хулоса чиқаришади. Бизнинг қаҳрамонимиз ҳам ана ўшандай... фақатгина олий ҳиммат хотамтой инсонлардан бири. Бўлмаса ўз ҳисобидан ўзи туғилиб ўсган Шаҳрихондек юртда 420 ўринли мактаб барпо қилармиди? Мустақилликнинг 8 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган мактаб кучоғида ўғил-қизларнинг қувончига эса гап йўқ. Комилжон Отахонов - Ривож хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси бош директоридан «бола дамларингизда шундай катта фирмани раҳбари бўлиб кетишни ўйлаганмидингиз?» деб сўрасам, «болада болача ўй-хаёл бўлади. У пайтларда катта бўлсам, катта қаср қураман. Энг зўр машина олиб, ота-онамни доим сайрга олиб чиқаман, -деб юрардим», -деди.

-Нуфузи чет мамлакатларга ҳам овоза бўлган катта фирма раҳбарисиз. Сир бўлмаса айтинг-чи, бу муваффақиятларга қандай эришдингиз?

-Мен меҳнат фаолиятимни 1979 йилда Шаҳрихон шаҳри матлубот жамиятида оддий сотувчиликдан бошлаганман. Кейин катта сотувчи, дўкон мудир бўлиб ишладим. 1993 йилда Тошкентдаги «Ёшлик» тикувчилик фабрикасининг фирма дўкони директори бўлиб ишладим. 1996

Йиллар ўтиб, шаҳримиз ўзгарди. Байрамларимиз, урф-одатларимиз, кадриятларимиз тикланди. Покиза қалбли, улкан орзули болалар ҳозирда қандайлар? Уларнинг қизиқишлари, дунёқарашлари ҳам замонга мосми? Бўш вақтларида нима ишлар билан шуғулланадилар. Шундай саволлар билан маҳалламиз болаларига муурожаат қилдим.

**Отабек Қаюмов**, 96- мактабнинг 5-«Б» синф ўқувчиси:

-Жисмоний тарбия тўғрагагига, инглиз тили машғулоти-

рига қатнашаман. Юнусобод спорт мажмуидаги турли мусобақаларни томоша қилишни яхши кўраман.

Шу пайт велосипед ҳайдаб кетаётган бир болани кўриб уни ҳам суҳбатга тортдим.

**Абдуқаҳҳор Гофуров**, 150-мактабнинг 6-«Б» синф ўқувчиси:

- Мен уй вазибаларини тайёрлаб бўлиб, кўпинча ойимларга қарашаман. Уй юмушлари билан кўчага чиқаман. Фақат шундай пайтлардагина велосипедга ўтира оламан.

- Абдуқаҳҳор, агар кўчада кетаётиб бир кармон тўла пул топиб олсангиз нима қилардингиз?

- Ўйлаб ўтирмасдан милиционерга бериб юборардим. Ахир кармон бировники-ку. Борди-ю ўзимники

бўлса уй сотиб олардим. Ойимларга чиройли гуллар совға қилардим. Яна Меҳрибонлик уйларига бериб юборардим.

**Отабек**: -Мен эса бутун дунёни саёҳат қилиб айланиб чиқардим.

- Тирбанд автобусда кетаётсам бир кичкинагина бола чўнтагимни кавлаётган экан. Уни ушлаб олдим. Билсам унинг отаси йўқ, онаси бетоб экан. Мен уни «топган пули» билан қўйиб юбордим.

**Отабек**: - Мен ҳар қанча қий-

**МАҲАЛЛАМИЗ БОЛАЛАРИ**

налсам ҳам, аввал ўқирдим. Чунки билим одамнинг ҳар қандай мушкул аҳволида ёрдам бергувчи қуролидир. Яхши касб эгаси бўлганда, онаси ҳам хурсанд бўлади. Ўғирлик қилишга мен уялган бўлардим.

**Абдуқаҳҳор**: - Мен ойимларга қарардим. Лекин сира ўғирлик қилмасдим. Яхши одам ҳалол иш қилади. Фақат яхши одам бўлиш керак.

- XXI асрга қадам қўямиз. Келаётган асрни қандай тасаввур қиласизлар?

**Отабек**: - Компьютерлар асри бўлади. Одамлар пулни ишлатмай қўйишади. Оддий карточкаларни кўрсатиб дўконлардан хоҳлаган нарсаларини харид қилишлари мумкин.


**Абдуқаҳҳор**: - Мен кейинги ас-

рда шаҳримиз бундан ҳам кўркам бўлади, деб ўйлайман. Одамлар меҳнат қиладилар. Фаровон ҳаёт кечирадилар. Ана шу даврда мен ўзимнинг катта корхонамни очаман.

Биз учовлон Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги «Янгиариқ» маҳалласининг сершовкин Уста-Ширин кўчасида суҳбатлашдик. Велосипедининг қулоғини бураб, педалига оёқ тираб турган Абдуқаҳҳорни ҳам, кўзларидан нур ёғилиб турган Отабекнинг ҳам келажак порлоқ экан-

лигига ишонч ҳосил қилдим. Чунки улар ўзларининг дунёқарашлари билан билимдон, илмга чанқоқ эканликларини намоён қилишганди. Маҳалламизда ана шундай болалар тарбияланаётганидан жуда қувондим.

**Юлдуз ЖАМИЛОВА.**



( форсча - Бузғола, ўзбекча - Тоғ эчкиси, 19 декабрдан 18 январгача, 31 кун)

Синчков, кузатувчан кишиларга об-ҳаво ўзгаришларини табиатнинг ўзи олдиндан айтиб беради. Яъни осмон, ер, ўт-ўланлар, қушлар, ҳайвонлар, ҳашоратлар ва ҳатто мўридан кўтарилаётган тутун бу ҳақда сўзлайди. Чунончи, халқ орасида «Ой кўтанланса ойда, қуёш кўтанланса кунда ёғар» деган гап бор. Яъни, изғиринли совуқ тун, очиқ осмондаги тўлин ой атрофида каттақон ёруғ доира пайдо бўлади. Бу Ой кўтанланди, дейдилар. Бундай ҳодиса кузатилса яқин орада ёғингарчилик бўлмайди, аксинча, кундузи қуёш атрофида шундай доира пайдо бўлса, ҳаво серёғин келади. Ёки халқ орасида кенг тарқалган мана бу гапларни қаранг:

-Булутли кун, чумчуқлар дарахт шоҳида тўда бўлишади. Хурпайишиб жим ўтирашади. Бир оздан сўнг битта-битта ерга туша бошлайди. Дон излагандек тупроқни титкилашади. Ҳаммаси тушиб бўлгач, бирор шарпадан ҳадиксирагандек гурра учиб, бари дарахтга қўнади. Учиш, қўниш шу зайл такрорланаверади. «Ҳаво ёғадиган бўлди, чамаси» - хулосага келишади тажрибакорлар.

**Ж А Л И**

-Қор ёғиб турибди ёки ҳаво туман, чумчуқлар теварак атрофдаги дарахтларга тарқалишиб, қувноқ чирқиллай бошлайдилар. Демак, тез орада қор тиниб, ҳаво очилади ва исийди.

-Қишнинг иссиқ-илиқ кунлари ола қарға, чумчуқ, майна каби қушлар ариқ ёки кўлмак сувларидан чўмилишаверса, билингки, кўп ўтмай ҳаво айнийди, ёғингарчилик бўлади.

-Қор ёғяпти, мўридан чиқаётган тутн қийшаймай тўғри юқорига кўтарилмақда. Бу тез орада қор тиниб, ҳаво очилади деган гап. Тутун мўридан чиқиши билан пастга уриб кетаверса ҳавонинг бузилиши ва ёғингарчилик бўлиши кутилади. Хуллас, айтаверсак халқимизнинг ҳар бир фасл об-ҳавосини олдини айтиш тажрибаларига оид бундай гаплар, ривоят, ҳикоятлар кўп. Уларнинг бирортасида ғайри табиий сир йўқ.

-Чилланинг ўзига яраша ҳислату қоида - қонуниятлари, фазилатлари бор. Жумладан, бу ойда ёғингарчилик миқдори ўртача 40 миллиметрлик ҳаво намлиги 72 фоизни ташкил этиши керак. Баъзан чиллада 40 даража

**Тақвим**

ва ҳатто ундан кучли совуқлар бўлади. Энг узун кеча (шабиялдо) ва энг қисқа кунда чилла киради. Шундан сўнг кунлар аста-секин узая бошлайди. Халқимиз орасида «Тўқсон кирса тўғрай одими билан, қантар оғса (8 феврал) қарға одими билан кунлар узаяди» деган нақл бор. Деҳқоннинг ҳам боғбону, чорвадорнинг ҳам чиллада амалга ошириши лозим бўлган ишлари, шунга яраша ташвиш - таралдуллари бор. Аслини олганда зумрад баҳор гулларининг ҳам, ёз неъматлари-ю куз мўлкўллигининг ҳам дастлабки куртакларига шу чилла асос солади.

-Чилла суви ҳам фойдали. Хусусан, узум, сабзавот экинларидан ҳам баракали ҳосил этиштираман деган боғбон, бунинг қадрига етади. Бундай пайтда яёв юриш, боғ ва чўлларда ов қилишнинг гашти айниқса, таърифга сиғмайди. Хуллас, чилланинг баҳор, ёз ва куздан қолишмайдиغان зийнату фазилатлари бекиёсдир.

**Гавҳар ҚҮЧҚОРОВА  
тавёрлади.**

**Ҳиммат**

**МЕН ҲАМ СИЗДЕК БОЛА ЭДИМ**

йилдан бошлаб эса РИВОЖ хусусий фирмасини бошқариб келяпман. Энди муваффақият сиринга келсак, барчаси тинимсиз меҳнат эвазига эришилган. 20 йил савдода ишлаб, хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмасини тузиш фикрида юрар эдим. Бу фикримни дўстларимга айтдим. Улар менга ишонч билдиришди. Ишлар шу йўсинда бошланиб кетди. 1996 йилнинг 27 январида Шаҳрихон шаҳар ҳокимияти қарори билан Ривож хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасига асос солинди. Хитой Халқ Республикасининг чойни экспорт ва импорт қилиш билан шуғулланувчи АНХОЙ корпорацияси билан шарт-

нома туздик: РИВОЖ-ТЯНЬЖИН қўшма корхонаси дунёга келди. Бундан мақсад қурилишлар учун электродлар ишлаб чиқариш эди.

Корхона суткасига 30 тоннадан 40 тоннагача пайвандлаш электродларини ишлаб чиқариш қувватига эгадир.

Фирма қошида Болгариядан келтирилиб жиҳозланган колбаса цехи, Туркияда ишлаб чиқарилган нон пишириш мини-заводи, кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи цехлар ҳам ишлаб турибди. Биз Канада, Буюк Британия, Корея, Покистон, Россия, Украина, Литва, Латвия, Қозоғистон давлатларидаги фирма,

корпорация ва компаниялар билан ҳам ҳамкорликда ишлаяпмиз.

Ўз ҳомийлигимиздаги «Шаҳрихон оқшоми» газетаси, «Шаҳрихончи» футбол командаси ҳамisha назоратимизда. Кам таъминланган оилаларга ёрдам берамиз. Мустақиллик арафасида аълочи ўқувчиларни рағбатлантирдик. Халқимиз ҳамisha тинч ва осуда бўлсин. Шундагина ишларимизда ҳам омад ва барака бўлади.

-Рост айтилган, Комилжон ака. Тинчлик - ривож!  
Тинчлик - илгарилаш!  
Биз ҳам сиздек бўламиз, -деди муштарийларимиз ҳам.

**Суҳбатдош  
Нилуфар ДАВИДОВА.**

## ТОҒ БҒИШЛОВ

Касб-хунар мактабимиз,  
Илму фан билан эгиз.  
Устозлар хўп мулойим,  
Кулиб туришар доим.

Кимё сирин ўргатар,  
Мавлудахон опамиз.  
“Жисмоний тарбия”да,  
Марра сари чопамиз.

Мана Ҳафиза опа,  
Болаларни кўп суяр.  
Манзура опа эса,  
Ҳисоб учун жонкуяр.

Миркарим ака касбу -  
Хунарнинг зўр устаси.  
Рихсивой ака бизга  
Иш ўргатар, қисқаси.

Тельмон ака ЭҲМ  
Бўйича сабоқ берар.  
Туб, тоқ, жуфт сонларни  
Масала учун терар.

Наргиза опа кирар,  
Адабиёт ва “тил”дан.  
Бу фанни соғиниб, шод  
Биз қайтамиз таътилдан.

Лайло опа рус тили,  
Бўйича устоз бизга.  
Шу тилда шеър эртак,  
Айтар қишу-ёз бизга.

Мактабимиз раҳбари  
Ҳам бастакор, ҳам шоир.  
Ўзи зўр боксчи-ю,  
Чет тилига ҳам моҳир.

## БАҒИШЛОВ

“Пан Тоға” гуруҳининг  
Бадиий раҳбари ҳам -  
Бўлган Валерий Панов  
Дилларга излар малҳам.

Шу гуруҳ томонидан,  
Бир мадҳия битилди.  
Ёшларнинг бу қўшиғи,  
“Таянч” дебон аталди.

“Таянч” қўшиғи асли,  
Юрт гимнига илова.  
Ижрочи - ишбошимиз  
Гўзал Исрофилова.

Раҳбарлар-у устозлар,  
Бахтимизга соғ бўлинг.  
Биз ижод қилайлик, сиз  
Ортимизда тоғ бўлинг.

Шухрат ИБРОҲИМ,  
Тошкентдаги  
17-Касб-хунар  
мактаби талабаси.

Ўзбекистон болалари  
ва ўсмирларининг  
газетаси

Муассислар:  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ  
ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИ,  
«СОҒЛОМ АВЛОД  
УЧУН»  
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ  
ЖАМФАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:  
Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:  
Йўлдош САИДЖОНОВ,  
Омон МАТЖОН,  
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,  
Хотам АБДУРАИМОВ,  
Дадахон ЁҚУБОВ,  
Мукаррама МУРОДОВА,  
Мирзапўлат  
ТОШПЎЛАТОВ,  
Музаффар ПИРМАТОВ,  
Феруза ОДИЛОВА,  
Эргашвой САРИҚОВ,  
Баҳодир ХАЙДАРОВ.

Ижарадаги Тошкент  
Матбаа комбинатида  
офсет усулида 43.351  
нусада босилди. Ҳажми  
2 босма табоқ.  
Буюртма К - 75-07  
Газетани PENTIUM-II  
тмх компьютерида  
Абдуҳамид  
АБДУҒАФФОРОВ  
саҳифалади.

Рўйхатдан ўтиш  
тартиби № 000137  
Манзилимиз  
700129,  
Тошкент шаҳар,  
Навий кўчаси 30-уй.

Тел: 144-62-34

Yo'ldoshning peshonasi tirishib, ko'zlari katta ochildi. Erinmay, diqqat bilan atrofga alangladi. Ko'chada hech kim yo'qligiga qanoat hosil qilgach, o'rnidan turdi. Qo'rquv va tahlikada qalt-qalt titravotgan barmoqlari cho'ntagidagi ipga bog'langan jo'huri donini qidirib topdi. Ipni mahkam siqib, jo'xori donini katakka irg'itdi-da, devor tuynugidan ichkarini kuzatdi. Katakdan boshini chiqarib turgan kulrang tovuq, bo'yinini



berkitib, uyga - bemor onasi yoniga chiqqan ediyam, ko'chada g'ala-g'ovur, ayol kishining “Voy sho'rim, bolalarimning rizqi qiyildi, tovug'imizni tulki olib qochdi”, degan nolishi eshitildi.

-Nima shovqin? Urush tugabdimi? - haroratdan yorilgan lablarini yalab so'radi, bir yildan beri to'shakda mixlanib yotgan bemor. - Odamlar jinnipinni bo'lib qolishganmi, kuniga shovqin ko'tarishadi.

-Shu... shu... - g'udrandi Yo'ldosh, - qishloqqa yana tulki oralabdi, peshonasini artib, arang gapni davom ettirdi. - Odamlarning tovuqlarini olib qochayotgan emish. O'sha tulkini quvib yurishibdi.

Yer yutsin, o'sha tulkiniyam, - bemor qaqrab ketgan tomog'ini qirib yo'tala boshladi - Rizqimizni qiyibdi-da, Boyoqish qo'shnilar bizga tovuq berib turishuvdi.

## O'KTAM HAKIMALI



ovlamasdim... Oyim uchun...


Tashqari tinchidi. Sehrlil tulkini quvishgan, tutisha olmagan qo'shnilar ham uylariga tarqalishdi. Shu bilan ko'pdan beri tahlika va iztiroblar orasida siqilayotgan, ezilayotgan Yo'ldoshning yurakkinasi ham tinchidi, bo'g'inlarining chigili ham yozildi. Beixtiyor yonboshladi. Qo'llarini ko'rga ostiga suqib, onasining qoq suyak qo'llarini uqalashga tushdi. Qalbi qaytadan g'am-g'ussa, dard-alamga to'ldi. Yo'ldoshning qo'llari o'z-o'zidan bo'shashdi, boshi esa shilq etib yostiqqa tushdi. Saldan keyin esa ko'zlari ilindi va hurrak ota boshladi. Asta-sekin deraza oynalari va pardalari qoraydi...

- Oyi-i-i..kelishyapti, hozir tutib olishadi...

- Yo'ldosh! Yo'ldosh ko'zingni och, - bemorning ko'zlari olayib, o'g'lining yelkasiga turtidi. - Tur, alahlayapsan. Yomon tush ko'rding chog'i. Yurolganimda o'qitib tashlardim.

Yo'ldosh sapchib turdi, atrofni parishon kuzatdi va onasiga termulib qoldi. Saldan keyingina tush ko'rganin, tushida kimdir tomog'idan bo'g'ayotganini esladi. Titrayotgan qo'llarini beixtiyor onasining oyoqlariga cho'zdi. Uqalashga tutindi.

Davomi bor



## SEHRLI TULKI

cho'zib, u yon- bu yon yurdi.

-Ol, ola qol, - yolvordil Yoldosh yonatrofiga olazarak nazar tashlab. Muncha chiroylisana? Qanchadan- qancha tovuqlarni ov qilib, sendaqa chiroylisini ko'rmagan edim. Ol, bunaqa asl donni topa olmasan. Faqat tushingga kirishi mumkin.

Tovuq boshini chap tomonga hiyol tashlab, donni qidirdi va topdi, ochko'zlik bilan cho'qidi-da, bo'yinini silkita-silkita yutib yubordi. Yo'ldoshning yuz-ko'zlariga tabassum yugurdi, ishtiyoq bilan, avaylab ipni o'zigatortdi.

Tovuq beixtiyor sozlanganday bo'yinini cho'zib devorga yaqinlashdi. Yo'ldosh ko'pdan beri o'ljasini poylab yotgan mushukday bir sapchidida, tovuqning qanotlaridan siqib ko'tarib oldi. Tumshug'ini qisib, qirq yamoq kamzulinining ostiga tiqdi. Song hech narsa ko'rmagan, bilmagan odam qiyofasiga kirishga urinib, yon-veriga nazar tashladi. Ko'ziga odam qorasi chalinmagach, yurdi. Muyulishga yetgach, ura qochdi.

Bola eshik zanjirini tushirib, oshxona tomon yurdi. Tovuqning tumshug'ini bog'lab, og'zi qoraygan o'choqqa tiqdi, o'choq og'zini pachoq hokandoz bilan

- Qayoqqa qochdi? - bemor gapni tugatmasdanoq tashqarida bu gal juda yaqindan yana shovqin-suron ko'tarildi. Tutinglar, bo'g'ib o'ldiramiz.

- Shu yerda yo'qoldi, qoldi Xuddi bolaga o'xshaydi kamzuli ham bormi-yey... Sehrlil-da, bo'lmasa kamzul kiyarmidi?

- Esi pastlar, - qichqirdi Yo'ldosh kutilmaganda. - Nimaga bo'lar-bo'lmasga baqiraverishadi? Boshqa tashvishlari yoqmi? Uzzukun andaydir sehrlil tulkini quvishadi...  
- Nega qichqorasan, nima, seni quvishayaptimi? - yupatdi ona asabiylashgan o'g'lini. Osonmas-da, urush, non taqchil, ko'z tikib o'tirishgan tovuqlaridan ajrala, baqirishadi-da. Tulki quritsa, bizga berishsa...  
- Berib bo'pti, o'yladi Yo'ldosh yoqimsiz tirjayib, O'zlariga qolsa tirnoqlarini ham berishmaydi. - Yoldosh onasiga yuzlandi. Yuragi uvishdi, oyimga qiyin, tovuq ovlamasam, ishni pachavasi chiqadi. Lekin endi ular ham tinch qo'yishmaydi. Ha. Lekin, sehrlil tulki ham anoyi emas, osonlikcha tutqich bermaydi, tutqich bersa, sehrlil tulki deyishmasdi-da... Oh, oyim o'nlanib ketsa, o'lay agar, tovuq